

Боши 1-саҳифада

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: белгиланган тартибда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини амалиёт ва илгор халқаро тажрибага интеграциялашувини таъминлашни инobatта олган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим тизимининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурларини тасдиқлаш;

тиббиёт ва фармацевтика таълими йўналишлари ва мутахассисликларни классификаторларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мустақил равишда тақлифлар киритиш;

фақатгина ўқув ва амалиёт характериға эға чора-тадбирлар бўйича иш вақтини ҳисобға олишға таянган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика таълимнинг (шу жумладан, кредит-модулли ўқитиш тизими шароитида) ўзига ҳослигини ҳисобға олган ҳолда мустақил равишда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат меъёрларини белгилаш, шунингдек, педагогик ҳодимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларнинг бажарилишини рағбатлантириш;

узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари устидан ягона ташкилий ва ўқув-услубий раҳбарликни таъминлаш;

ўқитишнинг умумий харажатларидан келиб чиққан ҳолда клиник ординатура (резидентура) да тўлов-контракт асосида ўқитиш нархи миқдорини белгилаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий ва саноат вазирлигининг эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассисликлар бўйича шифокорларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари учун бир йилдан кам бўлмаган муддатда бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида тайёрлашни ташкил этиш ҳақидаги тақлифни қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курслариға Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасалари ва худудий соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан тегишли соҳаларда кадрлар танқислигини инobatта олган ҳолда шакллантирилдиган талабномаларға асосан умумий амалиёт шифокорлари қабул қилинади;

шифокорларни бирламчи мақсадли ихтисослаштириш Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида уларни таъминлаб туриш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалға оширилади;

бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курслари якунида шифокорларға олingan ихтисослик

бўйича фақатгина соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи белгиланган намунадаги сертификат тақдим этилади; бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларини тамомлаган шифокорлар уларни ўқишға йўнланган муассасада эғалланган тор мутахассислик бўйича камда уч йил ишлаб беришлари шарт; талаб этиладиган мутахассисликлар бўйича шифокорларни бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курслариға саралаб олиш шарт; дастурлари ва муддатлари, шахсларни бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курслариға саралаб олиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилаб берилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика кадрлари учун муаммоларға йўналтирилган модулли ўқув дастурлари, семинар, конференция, вебинар, маҳорат дарслари, симуляцион тренинглр ва бошқа ўқитиш курслари неғизида ҳар йили малака оширишни назарда тутувчи кредит-модулли ўқитиш тизимига асосланган, узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этсин;

б) тиббиёт ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим олиши тизими асосида ўқитиш ҳуқуқи белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган қуйидаги муассасаларға тақдим этилсин:

тиббиёт ва фармацевтика, шу жумладан, нодавлат олий таълим муассасалари; республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт ҳамда илмий марказлари, уларнинг филиаллари, илмий-тектириш институти; худудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари. Белгилансинки, узлуксиз касбий таълим тизими асосида ўқитиш натижалари бўйича шифокорлар ва провизорларни яқка тартибда лицензиялашда ҳисобға олинадиган, тўлпанган кредитларни инobatта олувчи белгиланган намунадаги сертификат берилди;

в) 2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таълим олаётган ҳар бир тиббиёт ва фармацевтика ходимини мониторинг қилиш ва ўқитиш ҳажмининг шахсий ҳисобға олиш имкониятини таъминловчи "Узлуксиз касбий таълим" махсус портални яратсин.

6. Узлуксиз касбий тиббиёт таълимиде тўлланадиган кредитлар ҳажми 6-иловаға мувофиқ белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрларни узлуксиз тайёрлашни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ТАЪЛИМИ ВА ИЛМ-ФАНИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

таъминлаш, шунингдек, таълим ва илм-фан жараёнларини тиббиёт амалиёти билан интеграция қилиш тўғрисидаги тақлифға розилик берилсин, унда қуйидагилар назарда тутилсин: Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи, иккинчи ва учинчи клиникалари неғизида замонавий тиббиёт таълим кластерини яратиш орқали Тошкент тиббиёт академиясининг Кўп тармоқли клиникасини ташкил этиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари олий таълим муассасалари таркибий тузилмасиға бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилдиган даволаш (амалиёт) ишлари проректори (директор ўринбосари) лавозими ва иккита штат бирликларидан иборат клиник (ўқув) базалари билан ишлаш бўлимини ташкил этиш; тиббиёт олий таълим муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминланувчи анатомик морлар, ўқув-биологик лаборатория (виварий)лар ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқув-симуляцион марказларни ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тиббиёт ташкилотларини қайта ташкил этиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалға оширсин.

9. Белгилансинки:

а) тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиникалари;

тиббиёт олий таълим муассасаларининг таркибий бўлиналари ва клиник фанларни ўқитиш учун асосий база ҳисобланади, шунингдек, кафедра ходимлари билан биргалиқда ўқув жараёнини ташкил этиш, аҳолиға ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш, тиббиёт соҳасида илмий-тектириш изланишларини олиб боришда фаол иштирок этади; клиника шифокор ходимлари таркибини шакллантиришда тиббиёт олий таълим муассасаси кафедралари профессор-ўқитувчиларининг сони 50 фозидан кам бўлмағлигини таъминлайди; тиббиёт олий таълим муассасаси кафедралари ходимларини дарс жадвали ва ўқув режаға мувофиқ етарили ўқув хоналари, шунингдек, педагогик ҳамда илмий-тектириш фаолияти учун шартлолар билан таъминлайди;

б) тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларининг бош шифокорлари;

яширин овоз бериш йўли орқали олий таълим муассасаси Кенгашининг тақдимномасиға қўра, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимға тайинланади ва лавозимдан озод этилади; кафедра ходимларининг тўлақонли таълим, даволаш-диагностика ва илмий фаолиятини

ташкил этишни таъминлаш юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

10. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатға қўра, республиканинг олис ва етиб бориш қўйин бўлган худудларидаги бирламчи соғлиқни сақлаш бўлиналари давлат муассасаларида уч йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб берган шифокорларға клиник ординатураға (резидентураға) киришда танлов синовлари натижалари бўйича йилгилан баллар суммасидан 30 фоз миқдориде қўшимча баллар тақдим этилиши;

тиббиёт олий таълим муассасалари, малака ошириш институти, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тектириш институтилари ва уларнинг филиаллари харажатларининг бюджет сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида, шунингдек, тўлов-контракт асосида клиник ординаторлар (резидентлар)ни ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан клиник ординатор (резидент) раҳбарига бир йилда 100 соат ҳисобидан бир нафар клиник ординатор (резидент)ға раҳбарлик учун соатбай тўловлар тўлашини белгилансин.

Тиббиёт олий таълим муассасалари раҳбарларига дарс бериш фаолиятида иштирок этиши учун даволаш-профилактика муассасаларидан жалб қилинадиган малакали мутахассисларға тўлов-контракт асосида ўқишға қираётганлар маблағлари ҳисобидан лавозим маошиға 100 фозигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргалиқда уч ой муддатда:

кредит-модулли ўқитиш тизимини жорий этиш орқали олий тиббиёт ва фармацевтика таълими давлат таълим стандартлари, тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш давлат талабларини ишлаб чиқиш; таълим жараёнида клиникагача ва клиник модуллаш, шу жумладан, клиник ўқув амалиёти бўйича ўқув соатларини ошириш ҳисобига амалий таркибий қисмини кучайтириш;

кредит-модулли тизимини жорий этиш орқали магистратура ва клиник ординатура (резидентура) да эғалланаётган амалий кўникмаларнинг мураккаблиғиға боғлиқ ҳолда таълим муддатларини оптималлаштириш орқали ўқитиш жараёниди тақомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2019 йил 6 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЯНГИ ТАШАББУС ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – БАҲАҚРАОР ИҚТИСОДИЁТ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАД МАНБАИ

Ипак маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уни ташқи бозорға арзон нархларда етказиш, хотин-қизлар учун иш ўринларини кўлайитириш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларға топшириқ берилди.

Президентимиз Фаргона шаҳридаги замонавий рентген аппаратурани ишлаб чиқарадиган қўшма корхонада бўлди. Мамлакатимизда электротехника саноати жадал ривожланиб, янги лойиҳалар ишға туширилмоқда. Яқинда фаолият бошлаган Жанубий Корея билан ҳамкорликдаги "Listem-Fergana" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона шулардан бири. Бу нафақат юртимиз, балки минтақада юқори технологияли тиббий техника тайёрлайдиган ягона завод ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятға ташрифи чоғида аҳолиға тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, замонавий диагностика асбоб-ускуналарини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берган эди. Мазкур қўшма корхона ана шу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Шавкат Мирзиёев корхона ишчи-хизматчилари билан мулоқот қилди.

Ушбу замонавий қўшма корхона лойиҳасининг умумий қиймати 8 миллион доллар бўлиб, йилгича икки турдаги 300 донда рентген аппарати ишлаб чиқаришға мўлжалланган. Биринчи босқич доирасида 35 қўш иш билан таъминланган. Айни пайтда кейинги босқични ҳаётта тағбиқ этиш устида иш олиб боришмоқда. Йил якуниға қадар яна 100 га яқин иш ўрни яратилади.

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" бренди остида экспортбо маҳсулотлар тайёрлаш, аввало, ички бозор талабларини қондириш мақсадида қўшма корхонада йиллик ишлаб чиқариш қувватини 500 донга етказиш, маҳсулот турини 10 дан ошириш кўзда тутилган. Бу шу пайтгача катта валюта эвазига импорт қилинаётган тиббий ускуналар ўрнини тўлдириш, ички бозорни арзон ва юқори сифатли жиҳозлар билан таъминлаш имконини беради.

Жанубий Кореянинг дунёға машҳур "Listem" корпорацияси 1960 йилда фаолият бошлаган, 12 хил рентген аппарати ишлаб чиқаради, уларни 75 та мамлакатта экспорт қилади. Албатта, мазкур нуфузли корпорация билан ҳамкорликда ташкил этилган "Listem-Fergana" қўшма корхонаси ҳам тез орада дунёда ном қозонади.

Бундай дейишимизға тўлиқ асос бор. "Listem-Fergana" да ишлаб чиқарилаётган рентген ускуналариға ҳозирданқо талаб юқори. Корхона тўла қувват билан иш бошлағач, маҳсулотнинг асосий қисмини эк-

портта йўналтириш мўлжалланган. Мазкур маҳсулотлар Ўзбекистон бозори учун ноёб ва инновацион ҳисобланади. Бу нафақат аҳолини диагностика қилишда тиббий ёрдам сифати ва даражасини оширади, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашға хизмат қилади.

Фаргона шаҳридаги 5-иловий поликлиника ушбу қўшма корхонанинг илк мижози бўлди. Бош шифокор Феруза Мадалиеванинг қайд этишича, поликлиникаға корхонанинг дастлабки "Смарт-ДР" рақамли рентген аппарати ўрнатилган. У бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган шундай ускуналардан уч баробар арзон, энергия тежамкор. Мисол учун, Фарғонада ишлаб чиқарилган "Смарт-ДР" рақамли рентген аппарати 50 минг АҚШ долларига сотилади. "Philips" компаниясининг шундай рентген аппарати 144 минг доллар, "Siemens" концерниники эса 168 минг доллар баҳоланади.

"Смарт-ДР" рақамли рентген аппаратида соатиға 12-15 мижозни текширувдан ўтказиш мумкин. Текширувдан ўтиш ва хулосани олиш учун 3-5 дақиқа кифоя. Олинган тасвирлар компьютер хотирасида 5 йилгача сақланади. Бу, ўз навбатида, касаллик динамикасини кузатишда муҳим аҳамиятға эға. Яна бир муҳим жиҳати, нуралини даражаси 4-5 марта камайитрилган. Олинётган тасвирни интернет орқали даволовчи шифокорға юбориш мумкин. Бошқа шифокорлар билан масофадан туриб консилиум қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Давлатимиз раҳбари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда, энг аввало, тўғри таълим қўйиш муҳимлиги, тиббий жиҳозларни юртимизда ишлаб чиқариш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан яқши самара беришини таъкидлайди. Корхонада маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, ходимлар малакасини юксалтириш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалға оширилаётган "Фаргонаэвот" ва "Кўкнусперфосфат" акциядорлик жамиятларида азотли ва фосфорли ўғит ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, Водил кўмир қонида кўмир қазиб чиқариш, тошдан экологик тоза қоғоз ишлаб чиқаришға оид режалар, Фарғона вилоятда амал-

ға оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Жумладан, Фарғона шаҳрида Жанубий Кореянинг JEI университети филиалини очиш режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,3 миллион доллар. Унинг 3 миллион доллари хорижий инвесторлар ҳиссасиға тўғри келади. Бу ерда мактабгача таълим муассасалари, меҳмонхона, туризм ва косметология соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. 400 талаба тахсил оладиган филиални жорий йилда очиш мўлжалланган.

Жанубий Кореялик ҳамкорлар билан "Кўкнус" эркин иқтисодий зонасида йилгича 10 минг донда "Hyundai" электромобиль ишлаб чиқариш қувватиға эға корхона ташкил этиш режалаштирилган. 1000 та иш ўрни яратилади.

Президент Фарғона шаҳрида "Темурбеклар мактаби"ни бориб кўрди.

Мамлакатимиз Куролли Кулчари жанговар қудратини ошириш жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайитириш, ҳарбийларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун армия ва ҳарбий таълим муассасалари ўзлигини англаш, миллий гуруҳ, мустаҳкам ирода мактабига айланди. Ёш аскар ва курсантлар учун ҳарбий касамед қабул қилишдан аввал Ўзбекистон тарихи фани ва "Темур тузуқлари" китоби бўйича синов ўтказиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларға оид давлат сивасати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон шарафиттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг мардлиги ва ватанпарварлиги, жасорати ва адолатпарварлигини ёшларимизға ўрнак қилиш мақсадида мамлакатимиздаги барча ҳарбий лицейларға "Темурбеклар мактаби" деб ном берилди.

Чунки ҳар бир йигит-қиз, айниқса, ҳарбийлик касбини танлаган ёшлар жонажон Ватанимиз тарихини, халқ қаҳрамонлари, буюк саркарда ва кўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан фажраланиши керак. Бу инсонда миллий гуруҳни, ватанпарварлик, фидойилик тўғусини тарбиялайди.

Фарғонадаги "Темурбеклар мактаби"да таълим-тарбия ишлари шу асосда йўлга

қўйилган. Айни пайтда бу ерда 437 ўқувчи тахсил олмақда.

Мактаб ёшларни Мудоффа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий билим юртли ва бошқа ўқув муассасалариға аниқ фанларға чуқурлаштирилган ҳолда тайёрлашға ихтисослашган. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтини фойдалаи ўтказиши учун турли фан ва спорт тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий лицейларнинг номи ўзгарганини, энди унинг мазмун-моҳияти, таълим сифати ҳам Темур бобомизға муносиб бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

"Темурбеклар мактаби" ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам ҳавас қиладиган маскан бўлиши керак. Бунинг учун уларнинг маъвеки, савияси, билим бериш даражаси юқори бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Темурбеклар мактабларини ривожлантириш бўйича янги тизимни белгилаб берди. Унга қўра, бу мактабларға ёшлар чекланган миқдорда танлаб олинди, ўқувчилар замонавий ахборот технологиялари ва камиде иккита хорижий тилини пухта ўрганган, жимсоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб, ҳар томонлама баркамол, ёшлар орасида етакчи бўлиб шаклланди. Ушбу мактаблар битирувчилари олий таълим муассасалариға имтиҳонсиз қабул қилинади.

Давлатимиз раҳбари "Темурбеклар мактаби"да яратилган шартлоларни кўздан кечириди, ўқувчилар билан суҳбатлашди. Шу ерда Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари билан мулоқот бўлиб ўтди. Президентимиз уларни яқинлаштириб келаётган Хотира ва қадрлаш куни билан табриқлади. Нурунийлар юртимизға тинчлик-фаровонлик тилаб дуо қилди.

"Темурбеклар мактаби"ға автобус совға қилинди.

Шавкат Мирзиёев Фарғона туманидаги "Комилжон ота Мамажонов" фермер хўжалигида бўлиб, бу ерда амалға оширилаётган ишлар билан танишди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришға янги технологияларни жорий этиш, агар соҳани ривожлантиришда илгор тажриба ва инновацияларни, замонавий агротехник тадбирларни кўллаш, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспортни ташкил қи-

илгор хорижий тажрибани инobatта олган ҳолда, ўқитиш даври учун кредитлар меъёрларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, 100 баллик рейтинг тизимини қўлланган ҳолда ўқувчи ва талабаларнинг ҳар бир модули бўйича билим ва кўникмалари ўзлаштирилишини назорат қилишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

халқаро молия институтилари маблағлари, жимсоний ва юридик шахсларнинг хайриялари, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2020 йилдан бошлаб ҳар йили тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари талабалари ва тиббиёт коллежларининг ўқувчилари орасида клиник фанлар бўйича ИБН Сино номидаги халқаро тиббиёт олимпиадалари, шунингдек, ёш олимлар орасида ИБН Сино номидаги халқаро илмий танловлар ўтказилишини таъминласин;

ҳар йили 1 сентябрга қадар давлат тиббиёт муассасалари ва худудий соғлиқни сақлашни бошқариш ташкилотларининг талабномалари асосида республика худудлари кесимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими муассасалари ва бўлиналари учун узлуксиз касбий таълим курсларида ўқитиш режаларини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот, телекоммуникация ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасалари, республика илмий-амалий марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-тектириш институтилари учун имтиёзли юқори тезликдаги интернет-тарифларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2956-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбоси ва 3-банди, шунингдек, иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда: тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари, фармацевтика таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-амалиёт базалари намунавий низомини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатлариға ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиға киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг масъалачиси А.А.Абдуваҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасиға юклансин.

даланлиманган имкониятлар кўп. Уларни ишға солиб, қўшимча даромад толиш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш мумкин. Бунинг учун самарали ҳаракат қилиш, одамларда тадбиркорлик фаолиятиға бўлган қизиқини кучайитириш, томорқадан умумли фойдаланиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу еринг ўзида Президентимизға Фарғона вилоятда 2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалға оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Унга қўра, боғдорчилик, қорвачилик, паррандчилик, балиқчилик, асаларчилик, ирсиқхона, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, пахтачилик кластерлари, логистика маркази ташкил этиш, совутиччи омборхоналар қуриш каби 493 лойиҳани ҳаётта тағбиқ этиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар амалға оширилгач, 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Шунингдек, Қува ҳамда Олтиариқ туманларида мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперацияларини ташкил этиш, вилоятда 2019-2020 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида 2 минг гектар майдонда боғ ва тоқзорлар барпо этиш, Олтиариқ туманидаги "Агро макс долина" корхонаси томонидан гўшт етиштириш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этиш, Қўқон шаҳридаги "Kokand milk quality" МЧЖ томонидан сутни қайта ишлашни кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳалари, жорий йилда инновацион ютуқларни амалиётта жорий этиш ҳолда ветеринария хизматини ривожлантириш, Фарғона шаҳрида "UZ-SEGANG" МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

риш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, жиноятларни ҳисобга олмай яшириш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларини бузиш, ор-номус ва қадр-қимматни топшатиш ҳолатлари тўлиқ барҳам берилмаётганини қайд этилди. Тезкор қидирув ишлари лозим даражада олиб борилгани натижасида жиноятларнинг 3737 таси ёки 15,7 фоизи фош этилмади, қидирувда бўлган шахсларнинг 8188 нафари ёки 59,5 фоизи ушланмади.

Ҳисобот даврида 1100 нафар вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилгани фуқароларнинг бу тоифасини иқтисодий ҳимоя қилиш, ўқитиш, улар қаровисиз қолдирилишини ва улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб турибди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари давлат бошқаруви ва назорати органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашуш, муаммоларини ҳал этишда сустрлик қилиш ҳолатига чек қўйишга устувор даражада аҳамият бериши кераклиги таъкидланди. Мухожамат янги бунёд қилинган Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Ҳисоб палатасига юқонган вазифаларнинг самарали бажарилиши Давлат бюджетини лозим даражада ижро этишга, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан ва кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишга қўмаклашиши таъкидланди.

Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони ва бошқа ҳужжатлардан белгиланган вазифаларини ҳал қилишга, Давлат бюджетини шакллантирадиган захираларни аниқлашга, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини ижро этишга қаратилди.

Жумладан, ўрганиш ва таҳлил, қўрилган чора-тадбирлар ҳамда кўрсатилган ёрдам натижасида жойнинг ўзида солиқ тўловчилар – юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти таҳлил қилинди. Давлат бюджетига 4,7 триллион сўмлик даромадлар қўшимча равишда ундирилди.

Тегишли назоратни таъминлаш билан бирга, бюджет маблағларидан фойдаланиш масаласида йўл қўйилган камчиликлар сабаблари таҳлил қилинди, уларнинг олдини олиш чоралари қўрилди. Натижада камчилик ва хатолар, шунингдек, 1,2 триллион сўмлик ва 74,2 миллион долларлик самарасиз харажатлар аниқланди.

Ҳисоб палатасининг қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга доир тақлифлари асосида 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва баённомалар қабул қилинди.

Шу билан бирга, Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига тушумларнинг тўлиқлигини, уларнинг мақсадли шаклланишини ва самарали ижро этилишини таъминлаш, солиқ соҳасида ислохотларни амалга ошириш ва бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича ишларни мунтазам давом эттириш талаб этилади. Бунда давлат ва ҳудудий иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, Давлат бюджетини шакллантириш ва унинг даромадларини қўлайитириш захираларини аниқлаш ҳамда уларни ишга солишга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини оширишга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий даражадаги таърифлари давомида имзоланган ҳужжатларнинг, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларининг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг тўлиқ ҳамда самарали ижросига тўққизлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш ва бартараф

қилинди. Шундан сўнг сенаторлар 2019 йилда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Аввал хабар берилганидек, Сенатнинг ўн еттинчи ялпи мажлисидаги тегишли қарори билан 2019 йилда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фермер ҳўжалиқлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиғи қорхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиғи экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган, фермер ҳўжалиқларининг ер участкалари мақбуллаштирилди. Шу муносабат билан Дастурга Сенат томонидан тасдиқланган тегишли ўзгартишлар киритилди.

Сўнгра сенаторлар Тadbirkorлик фаолиятини амалга оширишда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Берилган имтиёзлар ва преференцияларга қарамай, ҳўжалиқ юритувчи субъектлар томонидан санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига риоя қилинмаётган ҳолатлар кузатилаётгани, бу эса салбий оқибатларга олиб келаётгани қайд этилди. Шу муносабат билан парламент сўрови юбориш зарурати юзасига келди. Мазкур масала бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Сув объектларига оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазирига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиғи масалалари ва экология қўмитаси томонидан "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартларига риоя қилиш қисми ижроси ўрганилган. Натижада зудлик билан ҳал қилиш талаб қилинадиган қатор муаммолар аниқланган. Шу боис тегишли сўров юбориш зарурати пайдо бўлди. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўтатишга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 14 декабрдаги қарорига мувофиқ мазкур парламент сўрови Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига юборилган эди.

Парламент сўровига 2019 йил 20 мартда берилган батафсил жавобда мавжуд муаммо ва камчиликларни, хусусан, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўтатишнинг амалдаги тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар қўрилгани таъкидланди. Хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий хизматдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомнинг янги лойиҳаси, шунингдек, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш тартибини тақомиллаштириш, мавжуд сансопарликни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Ялпи мажлис давомида Ўзбекистон Республикасининг Польша Республикасидаги Фаукултети ва мухтор элчисини тайинлаш, Олий суд тарихига ўзгартиришлар киритиш ва Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида 23 та масала, шу жумладан, 8 та қонун кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси сенаторлари томонидан маъқулланган қонунлар жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга, шунингдек, халқро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунин билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар: Абдулло Садуллоевич Аллаев ўн йил муддатга Қароматжон Худайберганова Давлетова ўн йил муддатга Алишер Абдухалимович Жалилов ўн йил муддатга Гулнора Ахатовна Парпиева ўн йил муддатга Шухрат Эсанбаевич Ражабов ўн йил муддатга Сарварбек Азимжонович Рахмонов ўн йил муддатга Камолитдин Суннатович Толлибаев ўн йил муддатга Анвар Хамидович Шуқуруллаев муддатсиз даврга Хасан Сунатиллаевич Эгамбердиев муддатсиз даврга Эркин Одилевич Эргашев ўн йил муддатга Махмуд Уразбоевич Эшимбетов ўн йил муддатга Хуршид Абдувахобович Эшмуратов ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан: Қудратилло Мирабдуллаевич Бабаев Умидаҳон Адхамовна Имомова Зафар Сафарбоевич Назаров Нодиржон Турсунболтаевич Ражабов Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.ЙЎЛДОШЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 4 май

Ў101 огоҳлантиради

Ёнғин содир бўлиши натижасида мол-мулкмиздан ва яқинларимиздан жудо бўлишимиз ёки бир умрга ногирон бўлиб қолиш мумкинлигини нуқтиб қўямиз гоҳида.

Бепарволик бало келтирмасин!

Ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида Мирзо Улугбек ИИБ ЕХБ инспекторлари томонидан ташкилотлар, муассасалар, қорхоналар ҳамда маҳалларда аҳоли билан олиб борилаётган тадбирларда

ўтказилмаса, ҳосилдорлик 2-3 центнерга қамаяди. Қўчат қалинлигини навнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда унумдорлиги паст, механик таркиби енгил тупроқларда ўрталашар, 1,5 тилда шохланувчи ва бақувват ўсадиган навларни гектарига 100-110 минг туп, тезлишар, кам шохланувчи ва паст ўсадиган навларни гектарига 110-120 минг туп, унумдорлиги, механик таркиби ўрта тупроқларда ўрталашар, 1-1,5 тилдаги шохланувчи ва бақувват ўсадиган навларни 90-100 минг туп, тезлишар, кам шохланувчи ва паст ўсадиган гўза навларини гектарига 100-110 минг туп, унумдорлиги юқори, механик таркиби оғир тупроқларда ўрталашар, 1-1,5 тилда шохланувчи ва бақувват ўсадиган навларни гектарига 80-90 минг туп, тезлишар, кам шохланувчи ва паст ўсадиган гўза навларини гектарига 90-100 минг туп қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ренат НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиқ ходими, к.х.ф.д., профессор, Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ, бош мутахассис.

Мутахассис тавсиялари

Чигит экиш ишлари ўтган йилларга нисбатан 15-20 кун кечикканини инобатга олиб, гўза парваришида қуйидаги тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Ниҳол ундириб олинадан майдонларда ёнғингарчилик натижасида қатқалоқ ҳосил бўлганда, тупроқнинг устки қатлами қуримасдан культиваторнинг биринчи ишчи жұфтлиғига ротацион юлбузчалар ўрнатиш ёки мотигалар ва қўл кучи билан қисқа муддат ичиде юмшатиш чораларини кўриш зарур. Акс ҳолда қалин қатқалоқ ҳосил бўлиб, ниҳолни ривожлантирмай қўяди, кўчатлар сиёрак бўлиб қолади.

Чигит униб чиқмаган майдонларда қатқалоқ ҳосил бўлиши билан имкон қадар кечки салқин тушгандан сўнг мотига ёки енгил "зиг-заг" борона билан икки қатор юргизиб юмшатиш мумкин. Қаттиқ, соғ ерларда тупроқ намлигини сақлаш учун енгил боронадан сўнг мола бостириб, ерни димлаб ниҳол олиш тавсия этилади.

Гўза қатор ораларини культивация қилиш тупроқнинг ҳайдов ости қатлами говақлигини ошириб, қуёш ҳарорати кўпроқ сингиниши таъминлайди, натижада ниҳоллар ривожланиши жадаллашиб, ҳашарот ва касалликларга чидампроқ бўлади. Ниҳоллар 65-70 фоиз униб чиққан майдонларда яъни, гўза қатори кўринишдан бошлаб зудлик билан ишлов бериш керак. Бунда культиватор ишчи органлари сонини тўлиқ ўрнатишга эътибор бериш лозим. Қатор ораси 60 см. бўлганда культиваторда 5 та гозпанжа, 8 та диск, 8 та пичок ва 11 та наральник, жами 32 та ишчи органи, қатор ораси 90 см. бўлганда 5 та гозпанжа, 8 та диск, 8 та пичок ва 18 та наральник, жами 39 та ишчи органи ўрнатилиши яхши самара беради. Қучли қатқалоқ бўлган майдонларда культиватор ишчи органларига қўшимча равишда РОРлар ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Чигит 60 см. кенгликда экилган гўза қатор ораларига ишлов беришда культиваторнинг четки



ишчи органи ўсимликдан 5-7 см. узоқликда ва 5-6 см. чуқурликда, ундан кейинги икки жұфт наральник 8-10 см. узоқликда ва 7-9 см. чуқурликда, жұяқ ўртасидаги наральник 10-12 см. ва гозпанжа 13-14 см. чуқурликда ўрнатилади. Чигит 90 см. кенгликдаги майдонларда ишлов берадиган культиваторнинг четки ишчи органлари ўсимликдан 5-7 см. узоқликда ва 5-6 см. чуқурликда, иккинчи жұфт ишчи органлар ўсимликдан 8-10 см. узоқликда ва 7-8 см. чуқурликда, учинчи жұфт наральниклар гўзадан 10-12 см. узоқликда ва 10-12 см. чуқурликда, қатор ўртасидаги наральник 12-14 см. чуқурликда ва гозпанжа 15-16 см. чуқурликда мосланган. Шундан сўнг гўза қатор ораларини маҳсул саялган чизель-культиватор ёрдамида 25-30 см. чуқурликда юмшатиб чиқиш лозим. Биринчи культивацияни сифатли ўтказишнинг яна бир аҳамияти шундаки, унмай қолган чигитлар ҳам тезда буй кўрсатиб, қучат сон ортади. Тупроқ майин, дондор бўлиб, ўсимлик индизининг яхши ривожланишини таъминлайди, пировадда сувсизликка чидамлигини ошириб, сувни 10-15 фоизга тежашга



Пахтакор муҳим ғалабага эришди

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси 5-тури доирасида "Пахтакор" Тошкентда Эроннинг "Персеполис" клубини қабул қилди.

Уйин тақдирини 86 дақиқада захирадан майдонга тушган Игор Сергеевнинг ягона голи ҳал қилди. "Шерлар" ушбу ғалабадан кейин очколари сони-

ни 8 тага етказиб, сўнгги тур олтидан плей-офга чиқиш учун яхши имконият яратиб олди. Шота Арвеладзе шогирдлари

сўнгги 6-турда Саудия Арабистонининг "Ал-Аҳли" жамоаси меҳмони бўлади. Эслатиб ўтамиз, бугун Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси ҳам ОЧЛ 5-тур доирасида БААнинг "Ал Ваҳда" клуби меҳмони бўлади. Ушбу Баҳр Тошкент вақти билан 23:00да бошланади.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сирдарё вилояти

Гулистонда янги китоб дўкони

Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси ижроси доирасида маҳаллалар, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртиларида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Гулистон шаҳридаги Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи спорт майдончаси худудида янги китоб дўконининг куриб, ишга туширилганлиги ҳам ана шу

йўналишда олиб борилаётган хайрли ишлардан биридир. Китоб дўконининг очилиш маросими катта тантананага айланиб кетди. Тадбирда ўқувчи-ёшлар, университет ўқитувчи ва талабалари,

шу соҳага дахлдор вилоят ташкилотлари раҳбарлари, Ёшлар иттифоқи кенгаши фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Китобсеварлар учун барча қулайликлар яратилган замонавий китоб дўконига 10 минг нусхадан ошиб китоблар келтирилган. Биринчи куннинг ўзидаёқ бу ер ёшлар, китобсеварларнинг гавжум ва

севимли масканларидан бирига айланди.

Вилоят ҳокими Ф.Мирзаев қисқа вақтда шаҳарда шундай замонавий "нурхона" бунёд этилганлиги билан тадбир қатнашчиларини қутлади ва вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳрида ёшлар онгини бойтадиган, одамларга маънавий озуқа берадиган шундай дўкон ва кутубхоналар, албатта, барпо этилажагага ишонч билдирди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Реклама ва эълонлар

UzAuto TRAILER YANGI OLAM QURUVCHI TEXNIKA KAMAZ СДЕЛАНО В УЗБЕКИСТАНЕ

(+998 90) 370-14-00
(+998 97) 447-88-39

ТЕХНИКА – СТРОЯЩАЯ НОВЫЙ МИР

www.uzautotrailer.uz "1-son Avtokorxonasi" MChJ xizmat ko'rsatadi

PLANETA SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

Навоий вилояти

Мактаб учун ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам аҳолининг барча қатлами кутубхона хизмати билан қамраб олиш, кўчма кутубхоналар ташкил этиш, ахборот кутубхона ресурсларидан масофавий фойдаланишни янада яхшилаш, мутолаа маданиятини ошириш, турли танлов ва викториналар орқали китобхоналарни рағбатлантиришдек кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган қисқа давр ичида вилоятнинг турли қорхона ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда собиқ битирувчиларнинг 2 минг 289 нафари ўз қадрдон мактабларига эҳтиром рамзи сифатида 33 минг 923 нусхадан иборат бадий адабиётлар тўпламини тўхфа этди.

Шунингдек, вилоятдаги илм даргоҳларида ўтказилган "Бир фарзандга уч китоб" ҳамда "Мактаб – оила – жамоат" хайрия марафонлари натижасида 36 минг 77 донга китоб мактаб кутубхоналарига совға қилиниб, уларнинг

фонди 25 минг 725 номдаги 70 мингдан зиёд бадий адабиётлар билан бойитилди.

Бундан ташқари, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов асарлари қозоқ тилига ўгирилиб, қозоқ тилида таълим бериладиган Зарафшон шаҳри ҳамда Қонимех, Нурота, Томди ва Учқудуқ туманларидаги 58 та мактабга берилди.

Таълим муассасаларида "Ҳар ҳафтада бир китоб" китоб танловининг ўтказилиши, нафақат иштирокчилар, балки хайрат аъзолари, ташкилотчи раҳбарларни ҳам китобхонли-

ка қорламоқда.

– Ўтган давр мобайнида марказимиз хизматидан фойдаланувчилар сони уч бараварга кўпайди, – дейди вилоят Халқ таълими бошқармаси Ахборот ресурс маркази раҳбари Раъно Ризаева. – Қисқа вақт ичида китоб жамғармаимиз қарийб икки бараварга ошиб, марказимизда 50 минг донга яқин китобнинг электрон каталоги яратилди. Китобхоналарга қулайлик яратиш мақсадида марказ томонидан маҳаллалар, таълим муассасалари, ташкилотларда 30 га яқин кў-

чи китобхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда Ахборот кутубхона марказларига келолмайдиган, саломатлигидан шикоятли бор китобхоналар рўйхати шакллантирилиб, уларга 124 номдаги бадий адабиётлар тарқатилди.

Кармана туманида кўзи оғирлар кутубхонаси ҳамда унинг Навбахор ва Қизилтепа туманларида филиаллари фаолият юритади. Бугунги кунда қарийб 20 минг 271 та китоб фондига эга мазкур зиё масканида 4 минг 53 та брайл алифбосидаги, 2 минг 596 донга овозли, 3 минг 300 турдаги ясси ҳарфли ва 459 та электрон диск шаклидаги китоблар мавжуд.

Айни пайтда мазкур кутубхона аъзолари сони 2 минг 840 нафарни ташкил этади. Уларнинг 2 минг 260 нафари кўзи оғир китобхоналардир. Уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида 14 та ҳудудда кўчма кутубхоналар ташкил этилган.

Отабек АСЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Кутлов

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚОРАҚЎЛЧИЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
9 май – Хотира ва
қадрлаш кунини муносабати
билан самимий
табриклайди.

Ватанимизни ҳимоя қилишда
босқинчиларга қарши машаққатли
курашларга жасорат кўрсатиб, жонини
қурбон қилган афғонларимиз муқаддас
хотирасига таъзим баъжо келтирамиз!



ТОГЛАР МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар қорхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар



Махсулотлар сертификатланган.
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Тошкент вилояти Тошкент (собиқ Занжир) т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатга олинган Яқин Шарқдаги тадбиркор "RISIBOYEV BOBIR ERKIN O'G'LI" га тегишли бир донга думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Олмасор т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган Яқин Шарқдаги тадбиркор "SAIROV DILSHODJON MANSURJON O'G'LI" га тегишли бир донга думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Олмасор т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "TAMANO-FAYZ-SAVDO" М-ФКга тегишли бир донга думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

"EDEM ENERGO INVEST" шўъба корхонаси (СТПР 300814061) "EDEM-BOLALAR UYI" М-ФК (СТПР 204008842) билан бирлаштирилади. "EDEM ENERGO INVEST" шўъба корхонасининг барча хуқуқ ва махбуритлари бўйича "EDEM-BOLALAR UYI" М-ФК жавоб беради.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдураҳул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУҲУРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибиат – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03,
Бухоро – (+99891) 401-29-59,
Жиззах – (+99893) 940-10-78,
Навоий – (+99891) 332-50-99,
Наманган – (+99893) 948-53-86,
Фарғона – (+99890) 407-76-03,
Самарқанд – (+99897) 575-50-67,
Сирдарё – (+99894) 168-23-60,
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05,
Тошкент – (+99890) 976-39-58,
Хоразм – (+99897) 790-47-61,
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-525, ҳажми 2 босма табоқ,
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 265 нусхадан олтирилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 02.50

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ